



O'ZBEKISTON OVOZI

2016-yil, 3-may. Seshanba • 52 (32.111)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш глобал иқтисодиётда инқирозли ҳолатлар ҳамон давом этаётган ва иқтисодиётнинг ривожланиши суёт кечаётган, жаҳонда нархларнинг пасайиши кузатилаётган, экспортбон қўлаб асосий товарларга нисбатан ташқи тўловга лаёқатли талаб камайиб бораётган бир шароитда амалга оширилди.

Шундай бир шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш учун мавжуд заҳира ва имкониятларни жалб этишга доир қўрилган чора-тадбирлар самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди.

I. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва мамлакатни модернизация қилишни чуқурлаштириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш

2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгариш ва диверсификациялаш дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида шу йилнинг биринчи чорагида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш таъминланди.

2015 йилнинг биринчи чорагига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоиз ўсди. Макроиқтисодий барқарорлик давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити, ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси ва 2 фоизли инфляция даражаси ҳисобидан таъминланди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиз ўсди ва ялпи ички маҳсулот таркибида 36,1 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,7 фоиз, чакана товар айланмаси ҳажми 12,8 фоиз, қурилиш пудрат ишлари 19,4 фоизга қўлайди.

Хомашё ва ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлаш асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли замонавий ишлаб чиқаришларни фойдаланишга топширишни жадаллаштириш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида инвестициялар ҳажми 8,5 фоиз ўсди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар таркибида марказлаштирилмаган инвестициялар нисбатан катта ҳажми (умумий ҳажмнинг 80,7 фоизи) ташкил этди. Шунинг 34,2 фоизи хўжалик субъектларининг ўз маблағларидир.

► Давоми 2-бетда.

■ БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН!



Тинчлик тонги

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Фавворалар сайли» ўтказилди

Тинч мамлакатнинг яна бир тонги фавворалар кўшиги, шодон одамларнинг қувонч-кулгулари, болаларнинг бахтиёр қийиқликлари билан бошланди.

Фавворалар қалбга сокинлик бағишлайди, кўнгилни гўбурлардан тозалайди. Тилда шеър тугилади, дилдан шодлик тошади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида «Фавворалар сайли» ёшлар оммавий-маданий тадбирларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилаётган шодиёналарда қатнашганлар «байрамларимиз яна биттага кўпайди, Президентимизга раҳмат» дейишмоқда.

Маълумотларга кўра, пойтахтимизда бугунги кунда эллиқдан зиёд фаввора бўлиб, уларнинг ўн бешга яқини мусиқага мос ҳаракатланади ва замонавий ёритиш тизимига эга.

— «Фавворалар сайли» бизнинг сеvimли

байрамимизга айланди, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, ЎзХДП фаоли Меҳриноз Аббосова. — Хар йили дўстларим билан пойтахтимиздаги фаввораларни айланимиз, ҳаётдан рози одамларни кўриб, кайфиятимиз кўтарилади. Бу каби сайиллар Ўзбекистоннинг тинч ва обод юрт эканлигининг, юртимизда бахтли одамлар яшашининг яна бир исботидир.

Тарихий асарларда ёзилишича, Амир Темур томонидан барпо этилган боғларда бетакорор фавворалар бўлган. Соҳибқирон салтанатига ташриф буюрган чет давлатларнинг элчилари фаввораларга ҳайрат билан тикилишган.

Бугун Самарқандда замонавий кўринишдаги фавворалар қурилмоқда. Сайил муносабати билан шаҳардаги фавворалар атрофида томошалар, расмларнинг кўргазмалари намойиш этилди.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги расмий сайтида берилган хабарга кўра, айни пайтда вилоят бўйича 47 фаввора ишлаб турибди. Шундан 8 таси нурли мусиқали фаввора, 30 таси нурли фавворадир.

— Самарқанд азал-азалдан ўзининг тақдорли архитектураси билан машҳур, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гурухи раҳбари Уктам Саидмуродов. — Самарқанднинг боғ ва хиёбонларидаги фавворалар шаҳарда мўътадил ҳаво ҳароратини таъминлайди. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиман, бугунги кунда бундай фавворалар вилоятимизнинг Пастдарғом, Пайарик, Урганч, Нуробод ва бошқа туманларида ҳам қурилган. Тўғриси айтганда, «Фавворалар сайли» аллақачон халқимизнинг қалбидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўз мухбиримиз.

■ «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Аёл бахтли бўлса, оила, жамият бахтли бўлади



Президентимиз ҳар доим аёлларнинг оғирини енгил қилиш, оилада ва жамиятда уларнинг мавқени мустаҳкамлаш давлат ва жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканини ўқтиради. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар қандай оила, мамлакат бахти аёлларнинг бахти билангина тўқис қўринади.

Шунинг учун Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қаноти хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш мақсадларини кўзлаб, изчил фаолият юритиб келмоқда, муайян ташаббусларни илгари сурмоқда. Боиси, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фаол аёл ўз истеъдоди, қобилиятини намоён этади, оиласи фаровонлиги учун меҳнат қилади, танлаган соҳаси ривожига ҳисса қўшади.

► Давоми 3-бетда.

■ 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Хотира чироғи ҳеч қачон ўчмайди

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар, учрашувлар ҳамда маърифий кечалар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда Ватанимиз озодлиги, шаъну шарафи йўлида жонини фидо қилган юртдошларимиз хотираси ёдга олинмоқда, бугун ҳаёт бўлганларига чуқур ҳурмат, эҳтиром кўрсатилмоқда.

3



ҚАНДИМ ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАЖМУАСИ

учун мутахассислар тайёрланади

«ЛУКОЙЛ» кўмағида Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежидики иккита электрон ўқитиш хонаси иш бошлади. Бу ҳақда 24.04.16 сайти хабар бермоқда.

Ўқув хоналарининг очилиш маросимида Бухоро шаҳар ҳокими Валижон Ўринов, «ЛУКОЙЛ» ОАЖ ташкилий тузилмани ривожлантириш ва ходимларни бошқариш департаменти бошлиғи Юрий Пихтовников, Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи директори Маликжон Муродов ҳамда бошқа ҳамкор ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланишича, мазкур коллеж 2018 йилда ишга туширилиши кутилаётган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси учун мутахассислар тайёрлаб беради.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 104 МАҲАЛЛА ҚАЙТА НОМЛАНДИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 21 апрелдаги қарорига мувофиқ, пойтахтимиздаги бир қатор географик объектларнинг номлари тартибга келтирилди.

Бу ҳақдаги ҳужжат шаҳар ҳокимлиги сайтида эълон қилинган.

Қарорга кўра, Тошкент шаҳридаги 104 маҳалла қайта номланди. Шунингдек, Олмазор туманидаги «Оймомо» маданият ва истироҳат боғининг номи «Нурафшон»га айланди.

«ШУМ БОЛА» ЁШЛАР КИНОФЕСТИВАЛИ

3-5 май кунлари Фарғона шаҳрида Германия киножодкорлари иштирокида шу номдаги фестиваль ўтказилади.

Кино байрамида Германиядан ташриф буюрган «SCHLINGEL» халқаро кинофестиваль делегацияси аъзолари Михаил Харбауер, Аня Мюллер, фестивал дастуридан ўрин олган «Шелкунчик» фильми продюсери Катарины Вагнер, Мюнхен шаҳридаги Гёте институти директори Юлия Ханске иштирок этади.

Фестиваль томошаларига Фарғона шаҳридаги олий ўқув юртраи талабалари, касб-хунар коллежлари, академик лицей, умумтаълим мактаблари ўқувчилари таклиф этилади.

ЎЗХДП АНДИЖОН
ВИЛОЯТИ ТУМАН,
ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИДА

КЎРФОНТЕПА ТУМАНИДА «МЕН ВАТАНИМ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШНИ ИСТАЙМАН» ШИОРИ ОСТИДА «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«ТАРФИБОТЧИ — МАҲАЛЛАДА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА АНДИЖОН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВДА «ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА ФИКР ЮРИТИЛДИ.

«ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН» ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА БЎЗ ТУМАНИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРДА МУҲИМ ИЖТИМОЙИЙ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН УЛКАН ИМКОНИАТЛАР МАМЛАКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Замонавий хизмат турларини, аввало, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида жадал ривожлантириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши самарасида хизматлар ҳақми 12,1 фоиз кўпайди, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг шу давридаги 59,3 фоиз ўрнига 59,5 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2016 йилнинг шу даврига нисбатан
фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,5
Саноат	107,0
Чакана савдо айланмаси	112,8
Қурилиш ишлари	119,4
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	108,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги	106,7
Жами хизматлар	112,1

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳақми 2015 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 14,4 фоиз ўсди ва 732 миллион доллардан ортиқни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 563 миллион долларни ташкил қилди. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жағфармаси томонидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзлаштирилган маблағлар ҳақми 14,3 фоизга кўпайди.

Жорий йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида 368 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди, умумий қиймати 76,4 миллион долларлик 12 йирик ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Хусусан, «Мейлисой кони қурилиши», «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамиятида полиэтилен плёнка ва қувурлар, «Ангрен» махсус индустриал зонасида чарм-галантерея буюмлари, «Жиззах» махсус индустриал зонасида шиша толасидан иссиқлик изоляция буюмлари, кенг турдаги электр қурilmа ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш шулар жумласидандир. Шунингдек, «Бухородонмаҳсулотлари» ва «Навоийдон-маҳсулотлари» акциядорлик жамиятлари тегишмонларида энергия тежайдиган ускуналар ўрнатилиш ҳисобидан техник қайта жиҳозланди ва бошқа қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларини амалга ошириш давомида шу йил бошидан буён 632 ишлаб чиқариш қуввати, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари (228 объект), қурилиш материаллари (215), тўқимачилик буюмлари, кийим-кечак ва чарм маҳсулотлари (91), мебель маҳсулотлари (45), кимё ва пластмасса маҳсулотлари (26), машина ва ускуналар (18), фармацевтика маҳсулот ва препаратлари (9) ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилди.

Таркибий ўзгаришлар жараёнида чўқурлаштириш ва саноат тармоқларини диверсификация қилиш натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотлари кўпайишининг қарийб 80 фоизи ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари ҳисобидан таъминланди. Жумладан, кимё маҳсулотлари ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш суръати 29,4, озиқ-овқат маҳсулотлари 14,9, тўқимачилик буюмлари, кийим-кечак ва чарм маҳсулотлари 14,6, фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлар 12,8 фоизга ошди.

Автомобиль бензини, аммоний сульфати, натрий нитрати, селюлар, марказдан қочирма насослар, цемент клинкерлари, шакар, арпа ёрмаси, гилам ва гилам буюмлари, трикотаж кийимлар, провитамины ва витаминлар, дори-дармон ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди. Хусусан, йил бошидан буён тайёр тикувчилик-трикотаж буюмларининг

18 янги тури ва 24 модели, 38 турдаги қандолат, консервалangan мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари, 26 номдаги дори препаратлари ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагидан 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 534 лойиҳа бўйича қиймати 981,3 миллиард сўмлик ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда импорт ўрнини босиш самарадорлиги 345 миллион доллардан ошди.

2016 йил бошидан буён маҳаллийлаштирилган 37 турдаги янги маҳсулот, жумладан, нефть-газ-кимё ускуналари ва конвейер ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, арматура, автомобильлар спидометри, спорт тренажёрлари, болалар велосипед ва самокатлари, электр сув иситиш мосламалари ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу йилнинг ўтган даврида 2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида 2,3 мингдан зиёд объект барпо этилди. Бунинг натижасида кўрсатилган хизматлар ҳақми 12,1 фоиз, хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 10,2, молия хизматлари 22,9, соғлиқни сақлаш хизматлари 14, автотранспорт хизматлари 15,7, савдо хизматлари 13,1 фоизга кўпайди.

Энергия сарфини камайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш доирасида шу йилнинг биринчи чорагида иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича йилга 280 миллион кВт/соат электр энергияси, 26 минг Гкал иссиқлик энергияси ва 3,6 миллион куб-метр биогаз ишлаб чиқариш кўзда тутилган манзилли тадбирлар ишлаб чиқилди.

Умуман, ишлаб чиқариш қувватларини технологик янгилаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва энергия самарадорлигини оширишга доир қўрилган чоралар самарасида жорий йил биринчи чорагидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннаҳини ўртача 9,4 фоиз қисқартиришга эришилди.

II. Иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини тубдан ошириш, экспортчи корхоналарни қўллаб- қувватлашни кучайтириш

Экспортбон асосий товарларга нисбатан ташқи бозор конъюнктура-си ёмонлашиб, нархлар пасайиши давом этаётган бир шароитда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозордаги ўрнини сақлаш мақсадида 2016 йилнинг биринчи чорагидан ташқи бозорда харидориги маҳсулотлар ҳақми ва турини кенгайтириш, уларнинг рақобатбардорлигини ошириш ва экспортга етказиб бериш географиясини диверсификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жорий йил бошидан буён қиймати 270 миллион доллардан зиёд маҳсулотларни экспортга етказиб берадиган 583 янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 95 турдаги янги товарлар экспорт қилинди, 20 янги бозорга экспорт маҳсулотлари етказиб берилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мева-сабзавот экспорт ҳақми (1,2 баробар), кора металл прокати (1,9 баробар), молибден маҳсулотлари (11 баробар), мис қотишмаси (1,8 баробар), аммоний сульфати (1,7 баробар), суперфос (2,6 баробар), полиэтилен ҳақми (31 баробар) ўсди.

Кичик бизнес корхоналари ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришга қўмаклашиш мақсадида Махсулотлар экспортга қўмаклашиш бюроси томонидан жорий йил бошидан буён 398 корхонага маслаҳат хизмати кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация,

■ Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагидан 167,4 мингта иш ўрни яратилди. Уларнинг 57,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

маҳсулот экспорти, халқаро ва давлатлараро талабларни жорий этиш бўйича 29 халқаро шартнома тузилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жағфармаси 250 тадбиркорлик субъектига қиймати 250 миллион доллардан зиёд маҳсулотларни экспортга чиқаришга ёрдам кўрсатди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари «Ўзтадбиркорэкспорт» иқтисослаштирилган ташқи савдо компанияси орқали қиймати 150 миллион доллардан ортиқ ўз маҳсулотини экспорт қилди.

Хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажминини кўпайтириш ва турини кенгайтириш ҳисобидан қишлоқ ҳўжалиги секторининг экспорт салоҳиятидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги 2492-сонли ва 2016 йил 7 апрелдаги 2515-сонли қарорлари мувофиқ, «Ўзбекзоқроқат-холдинг» холдинг компанияси ва «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компанияси ташкил этилиб, юртимизда етиштирилган мева-сабзавотларни экспортга етказиб бериш бўйича уларнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг биринчи чораги якуни бўйича экспорт қилинган товар ва хизматлар умумий ҳақми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,1 фоизни ташкил қилди.

III. Мухандислик- коммуникация ва йўл- транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш

Жорий йилнинг биринчи чорагидан йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш борасидаги ишлар фаол давом эттирилди.

2015-2019 йилларда мухандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш доирасида шу йил бошидан буён 20 километрдан зиёд темир йўл участкалари қайта тикланди, Ангрен-Поп электрлаштирилган янги темир йўл линиясини барпо этиш ва Поп-Қўқон-Андижон участкаларини электрлаштириш, «Самарқанд-Бухоро темир йўл линиясини электрлаштириш ва юқори тезликда харақатланадиган йўловчи ташкил поездлари қатновини ташкил этиш» лойиҳаси доирасида Бухоро вокзалини қуриш, шунингдек, Навоий-Кониимех-Мискин темир йўл линияси ва Қандим газни қайта ишлаш заводи-га олиб борадиган темир йўл қуриш учун ер полотноси ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Жорий йил бошидан буён 2013-2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурига қўра, замонавий технологиялар асосида 500 километрдан зиёд кенг полосали оптик-толали тармоқлар барпо этилди ва захирага олинди. Ягона интерактив давлат хизматлари портални модернизация қилиш ва кенгайтириш ишлари давом эттирилди.

Натижада давлат ахборот ресурслари сони 317 тага етди, давлат органлари ахборот тизимлари 484 тадан ошди, 270 турдаги интерактив хизматлар жорий этилди. Ягона интерактив давлат хизматлари портали, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳўкимиятининг 990 органи, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлиналари уланган. Шу йил бошидан буён Ягона портал орқали 520 мингдан зиёд хизмат кўрсатилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 мартани ташкил қилди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қуриш дастурига мувофиқ, жорий йил биринчи чорагидан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 13 мингта янги якка тартибдаги шинам уйлар қурилиши ва бу

массивларни замонавий инфратузилма ҳамда бозор инфратузилмаси объектлари билан таъминлаш ишлари бошланди.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли жорий йилнинг биринчи чорагидан 2,1 миллион квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 1,4 миллион квадрат метр уй-жой, шунингдек, 205,2 километр, жумладан, қишлоқ жойларда 162,3 километр сув қувурлари барпо этилди.

IV. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат иштироки улушини босқичма-босқич камайтириш

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида шу йилнинг биринчи чорагидан хусусий секторга қиймати қарийб 216 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятини қабул қилиш шарти билан 178 давлат объекти сотилди.

Акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 6 йирик акциядорлик жамияти устав фондидаги давлат улушининг 15 ва ундан кўп фоиз ҳақми, жумладан, қўшимча акцияларни муомалага чиқариш орқали хорижий инвесторларга сотилди.

Амалга оширилган чоралар натижасида устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари сони биринчи чорагидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 баробар, яъни 378 дан 209 тага камайди.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагидан Корпоратив бошқарув кодекси тасдиқланди, 244 акциядорлик жамияти томонидан замонавий корпоратив бошқарув талабларига мувофиқ уставлар ва бошқа ички корпоратив ҳужжатлар қабул қилинди.

2016 йилнинг биринчи чорагидан тадбиркорлик фаолияти ва кичик корхоналар ташкил этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес субъектларига 3,6 триллион сўмлик кредит ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 марта кўпроқ, жумладан, 773 миллиард сўмлик микро-кредитлар ажратилди, халқаро молия институтларининг 40 миллион долларга яқин кредит линиялари ўзлаштирилди. Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳўжатларини тайёрлашни молиялаштириш жағфармаси қўмағида қиймати 10 миллиард сўмлик 16 лойиҳа молиялаштирилди.

Жорий йил бошидан мамлакатимиз туман ва шаҳарларида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» таймовили асосида давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатиш бўйича «Е-йўл» идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш орқали фаолият бошлади. Ҳисобот даврида «ягона дарча» марказлари орқали 23 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатилди.

Хусусий тадбиркорликка товар ва хомашё бозорларидан фойдаланишни кенгайтирилиши туфайли Республика товар-хомашё биржасида давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб берувчи сифатида рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 11 фоизга кўпайди, давлат харидлари иштирокчилари умумий сонидан уларнинг улуши 98,3 фоизни ташкил қилди.

Қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар шу йилнинг биринчи чорагидан 8,4 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъекти, уларнинг асосий қисми саноат ва қурилиш соҳасида (30,8 фоиз) ташкил қилинди. Бу эса, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улушини 2015 йилнинг биринчи чорагидан

41,7 фоиздан 43,1 фоиз, саноатда 32,6 фоиздан 37,3 фоиз, инвестицияларда 31,5 фоиздан 40,2 фоиз, экспортда 20,9 фоиздан 24,4 фоиз, бандликда 76,7 фоиздан 77,1 фоизга ошириш имконини берди.

V. Қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ этишни давом эттириш ва таркибий ўзгартаришларни янада чўқурлаштириш

Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг биринчи чорагидан 150 километрдан зиёд коллектор, 35,5 километр ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 3 вертикал дренаж қудуги, 24 қузу-тув қудуги, 1 гидротехник иншоот барпо этилди. 2,9 минг километр коллектор-дренаж тармоғи тозаланди. Пудрат ташкилотларига умумий қиймати 40 миллиард сўмлик 140 та мелiorация техника ва ускуналарини лизинг асосида етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди.

Қишлоқ ҳўжалигини янада ислоҳ этиш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ, жорий йилда пахта майдонлари 30,5 минг гектарга қисқартирилди. Пахтадан бўшаган ерлар ҳисобга олинган ҳолда, асосий экин майдонларига, 172,6 минг гектарга сабзавот, 86,3 минг гектарга картошка ва 26,3 минг гектарга полиз экинлари экилди. 5,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар барпо этилди, 5,7 минг гектар майдондаги боғ ва 3,2 минг гектар тоқзор реконструкция қилинди, 163 гектар майдонда 4264 иссиқхона ташкил этилди.

Мева-сабзавотларни сақлаш бўйича моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида 10,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун 16 янги совутиш камераси ташкил этилди.

Натижада шу йилнинг биринчи чорагидан 53,1 минг тонна сабзавот (2015 йилнинг шу даврига нисбатан 110,6 фоиз) етиштирилди. Йил бошидан буён 95,1 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинди.

Чорвачилик тармоғи салоҳиятини янада юксалтириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён йирик шохли қорамол ва паррандаларни кўпайтириш, балиқчилик ва асаларичилик ҳўжаликларини ривожлантириш бўйича 664 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бунинг самарасида шу йилнинг биринчи чорагидан йирик шохли қорамоллар сони 11,5 миллиондан ошди (2015 йилнинг шу даврига нисбатан 105,8 фоиз), 425,8 минг тонна гўшт (106,1 фоиз), 12,7 минг тонна балиқ (110 фоиз), 1 594,8 минг тонна сут (106,4 фоиз), 1 180,4 миллион дона тухум (106,7 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагидан 167,4 мингта иш ўрни яратилди. Уларнинг 57,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Янги ташкил этилган иш ўринларининг 12,9 мингтаси саноатни модернизация ва диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, 14,7 мингтаси мухандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй қуриш дастурини ҳаётга татбиқ этиш, 66,4 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, 36,7 мингтаси қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ этиш ва ер участкаларини оптималлаштириш дастурларини бажариш, 36,7 мингтаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

2015-2016 ўқув йилида касб-хунар коллежи битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва уларни кейинчалик мазкур корхоналарга ишга жойлаштириш кўзда тутилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Касб-хунар коллежларининг 387 минг битирувчилари билан тўрт томонлама — «колледж-корхона-бўтирувчи-ҳўким» шартномалар тузилиб, кейинчалик иш билан таъминлаш мақсадида амалиёт ўташи учун улар 150 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотга бириктирилди.

Таълим жараёни ва тиббиёт хизмати сифатини янада оширишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида жорий йил бошидан буён таълим ва тиббиёт муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни зарур инвентарлар билан жиҳозлаш учун қиймати 221 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди (2015 йилнинг шу даврига нисбатан 113,9 фоиз).

VII. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида шу йилнинг биринчи чорагидан оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини тақомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, мустаҳкам, соғлом ва ақил оилани шакллантиришда жойлардаги давлат ҳўкимияти органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатлар ишлаб чиқилди.

Тиббиёт хизмати сифатини янада юксалтириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимининг амбулатория-поликлиника бўғинини мустаҳкамлаш, замонавий даволаш ва ташхис қўйиш ускуналари жорий этиш, аҳолига амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатишни тақомиллаштириш ҳамда профилактика тадбирларини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Халқаро ташкилотларнинг молиявий қўмағи билан мамлакатимиз клиникларида туғма ривожланишида нуқсонлари бўлган 44 та ва туғма юрак хасталиғи билан тутилган 10 та бола операция қилинди ҳамда соғломлаштирилди. 155 минг нафардан зиёд бола бошқариладиган 12 инфекцияга қарши эмланди. 14 ёшга-ча фарзанди бўлган 1120 оилага, 2 ёшга-ча фарзанди бор 8460 оилага, шунингдек, 2310 кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатиш белгиланди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ушбу мақсадларга жами қарийб 1,3 триллион сўм йўналтирилди.

2016 йилнинг биринчи чорагидан иқтисодий ривожланишнинг юқори ўсиш суръатлари ва макроиктисодий мутаносиблигини сақлаш, салбий ташқи ўзгаришларга муваффақиятли қарши туриш ҳамда жорий йилда иқтисодиётимизнинг 7,8 фоиз даражасидаги прогноз ўсиш суръатларига эришиш учун салмоқли захира ва имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил 15 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгиланган ва хомашё ресурсларини қайта ишлашни чўқурлаштириш, юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг тадбиркорлик даромадларини кўпайтириш учун кенг имкониятлар яратишга қаратилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини изчил амалга ошириш келгуси йилларда иқтисодиётимиз барқарорлигини янада оширишни таъминлаш борасида муҳим вазифалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

9 МАЙ — ХОТИРА ВА
ҚАДРЛАШ КУНИ

■ Фарзандлари, набиралари қуршовида кексалик гаштини сураётган нуронийлар, уруш қатнашчилари юз-кўзидаги шукроналикни ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди, албатта. Биз уларни нафақат байрам кунлари, балки ҳар доим ардоқлаб, бошимизга кўтариб яшашга бурчлимиз.

Хотира чироғи ҳеч қачон
ўчмайди

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан Фуқаролик жамияти шаклланиши-ни мониторинг қилиш мустақил институтида ўтказилган давра суҳбатида хотира ва қадрлаш тушунчасининг маъно-мазмуни ҳақида фикрлар билдирилди. Эл-юрт тинчлиги, Ватан ҳимояси, халқимизнинг орзу-истаклари йўлида мардлик, жасорат кўрсатганлар, уларнинг фидокорона меҳнати ва қахрамонликлари ҳеч қачон унутилмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатасида ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Тошкент вилоят ва шаҳар партия кенгашлари фаоллари мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев юртимизда инсон қадр топиб, унинг манфаатлари муносиб ҳимоя қилинаётгани, ижтимоий ислохотлар натижасида фуқароларнинг турмуш шароити яхшиланиб, шукроналик ва келажакка ишонч туйғулари мустаҳкамланаётганига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётганини, бу ёшлар маънавиятини

юксалтиришда муҳим ҳаётий аҳамият касб этишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, унинг бардавомлигини таъминлаш ҳар биримиздан оғоҳлик, фидойиликни талаб этади. Тадбирда ана шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг жорий йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилди.

— Партиямиз фаолиятида аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами, хусусан, кексалар манфаатларини таъминлаш муҳим ўрин тутди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон ХДП



фракцияси аъзоси Рустам КОМИЛОВ. — Шунинг учун Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан жойларда қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Унда алоҳида парваришга муҳтож фахрийларимизнинг уйларига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олинапти. Кези келганда айтиш керакки, кексаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган Президент қарор ва фармонлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ихроси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз томонидан мунтазам ўрганиб борилаётган. Таҳлил натижалари тегишли тартибда қўриб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Фарзандлари, набиралари қуршовида

Партиямиз фаолиятида аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами, хусусан, кексалар манфаатларини таъминлаш муҳим ўрин тутди

кексалик гаштини сураётган нуронийлар, уруш қатнашчилари юз-кўзидаги шукроналикни

ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди, албатта. Биз уларни нафақат байрам кунлари, балки ҳар доим ардоқлаб, бошимизга кўтариб яшашга бурчлимиз.

— Мен 78 ёшдан, Худога шукр, ҳали тетикман, — деди Ўзбекистон Республикаси фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси вакили Мукаррам Мухитдинова. — Юртимизда кексаларга юксак эҳтиром кўрсатиляпти, уларнинг кўнгилни кўтариш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қўллаб хайрли, савоб ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда жамғармамиз қатор ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб

келяпти. Бу ҳамкорликни янада ривожлантиришимиз лозим, деб ўйлайман. Ёши улғу инсонлар ҳамиша ўзларини жамиятга керакли деб ҳис этса, уларнинг умрига умр, ёшига ёш қўшилаверади. Тез-тез ёшлар билан учрашувлар ташкил қилиб турамиз, суҳбатларда ўтмишнинг аянчили хотиралари, бугунги дорилар билан кўнлар ҳақида гапириб берамиз. Ёш авлодга ҳаёт сабоқларини ўргатиш, фарзандларимиз қалбига одамийлик, меҳр-оқибат туйғуларини чуқур синдириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан саналади. Демак, икки авлод учрашувлари, фахрийлар ва ёшлар иштирокидаги тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадбирда, шунингдек, «Маҳалла зийоси» Республика ўқув-услубий маркази бош мутахассиси Баҳодир Сунонов, Саломатлик ва тиббий статистика институти услубчи-врачи Насиба Акромова ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сўзга чиқишди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш масалаларига алоҳида ўрғ берилди.

Билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида «Хотира боқийдир, қадр муқаддас» ширин остида партия тизимида ўн кўнлик лойиҳа ўтказилишига келишиб олинди. Ушбу лойиҳа асосида минтақавий кенгашлар томонидан қатор тадбирлар ўтказилади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Тошкент давлат педагогика университетида ёшлар маънавиятини юксалтириш мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ёшлар билан

фикр алмашилди

Унда шаҳар, туман кенгашлари фаоллари, депутатлар, бошланғич ташкилотлар етакчилари, талабалар ўзаро фикр алмашилди. Ёшлар онгини эгаллашга қаратилган гаразли хуружларга қарши курашиш, доимо сергак, оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиз экани таъкидланди.

— Маънавиятимизга бўлаётган таҳдидлар асосан интернет орқали кириб келаётганини ҳисобга олиб, ёшларнинг ундан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтирмоқдамиз, — дейди Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдошева. — Бу йигит-қизларнинг пухта билим олиши, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда бир гуруҳ талабалар мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016» ТАНЛОВИ

Туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтмоқда

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган «Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловининг иккинчи босқичи қизгин давом этмоқда. Унда бошланғич партия ташкилотларида глобаликни қўлга киритган йигит-қизлар беллашмоқда.

Танловнинг Деҳқонбод туман босқичида иштирокчилар уч шарт (лойиҳа тақдими, нотиклик санъати ва сиёсий-ҳуқуқий савол-жавоблар) бўйича ўз билимларини намойиш этишди. Умумий натижаларга кўра, Урайхол Қўлдошова энг юқори балл тўплаб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

— Танлов менда катта таассурот қолдирди, — дейди у. — «Қўли гул аёллар», деб номланган лойиҳам билан қатнашдим. Ундан қўзланган асосий мақсад қишлоқ хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш ҳисобланади.

Тадбир якунида иштирокчилар туман партия кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Адҳам САЙНИЕЗОВ, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши сектор мудири.

■ «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ



Самар ШОПЎЛАНОВ оғлан сураётган.

АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА,
оила, жамият бахтли бўлади

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг 195 минг нафарга яқинини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Биргина ушбу мисолнинг ўзи ҳам жамиятимизда аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги юксалиб бораётганини кўрсатади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда етакчилик қобилиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган амалий семинар ташкил этилгани, унда интерактив усулларда машғулотлар ўтказилгани ҳақида хабар берган эдик.

Хўш, тадбир иштирокчиларда қандай таассурот қолдирди? Умуман, партиямиз фаол аёллари семинардан нима ўрганди? Қанот фаолиятини кучайтиришда бундай тадбирларнинг аҳамияти қандай?

Гулчеҳра АЗИЗОВА, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши сектори мудири:

— Ушбу семинар фаол аёлларимиз учун тажриба алмашиш, қанот фаолиятини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Семинарда қанот етакчилари ва фаолларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, сиёсатчи аёлларнинг партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратилди.

Машғулотлар интерактив усулларда ўтган барчага маъқул келди. «Фаол аёллар» қаноти фаолиятини кучайтириш бўйича ўзаро фикр алмашилди, янги тақлифлар билдирилди.

«Фаол аёллар» қаноти тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш тартиби», «Хотин-қизларга оид муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш йўллари», «Партия гуруҳлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш механизмлари» каби мавзуларда машғулотлар ўтказилди. Қатнашчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда, ўз тақлифларини ишлаб чиқишди.

Рихси БЕКБЎТАЕВА, ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати:

— Қанот аъзолари билан ишлаш, уларни доимий ташаббускорликка ундаш ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас, албатта. Бунинг учун биз ҳар доим тажриба алмашиб туришимиз керак. Семинар айни шу жиҳатдан ҳам фойдали бўлди, деб ҳисоблайман. У етакчилар учун сиёсий ва касбий малака оширишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Хотин-қизларнинг қизиқиш ва имкониятларини тўғри йўналтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича қўллаб-қувватловларга эга бўлдим. Менимча, амалий семинарларни ҳар бир ҳудудда бугунгидек расмий эмас, ўзаро мулоқот тарзида юқори савияда ташкил этишимиз керак.

Депутатлар ҳамкорлигида хотин-қизларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб боришимизда, уларнинг ечимини бўйича ташаббус кўрсатишимизда ҳаётий тақлиф-мулоҳазалар жуда асқотади.

Гавҳар ШОДИЕВА, ЎзХДП Бўқа туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси:

— Ҳеч кимга сир эмас, қишлоқ ҳойларда хотин-қизларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар учраб туради. Ҳамкор, мутасадди ташкилотлар уларни ҳал қилиш чораларини кўрмоқда, албатта. Лекин бу жараёнда самарали омил аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигидир, энг муҳими, уларнинг замонга қараб фикрлашида, деб биламан. Бу борада асосий масъулият сиёсий партиялар фаоллари, ёъки, бизнинг зиммамизда эканини унутмаслигимиз керак.

Шу боис партиямиз тизимида хотин-қизлар фаоллигини оширишга бағишланган тадбирлар таъсирчанлиги ва изчиллигига алоҳида эътибор қаратишимиз талаб этилади. Семинар давомида маъруза йўналишида нималарга аҳамият беришимиз кераклиги ҳақида зарур маълумотларга эга бўлдим. Уларни амалиётда қўллашга ҳаракат қиламан.

Машғулотларда гуруҳларга бўлинган ҳолда ишладик. Биз аёллар билан юзма-юз, эркин суҳбатлар уюштириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга

«Фаол аёллар» қаноти тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш тартиби», «Хотин-қизларга оид муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш йўллари», «Партия гуруҳлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш механизмлари» каби мавзуларда машғулотлар ўтказилди.

қаратилган ташаббусларни кучайтириш керак, деган тақлифни илгари суридик.

Менимча, тадбир қандай ўтиши аввало, мавзуга боғлиқ. Мавзу танлашда одамларни ўйлантираётган масалалар биринчи ўринда туриши лозим. Ижтимоий лойиҳаларни ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказиш, бундай тадбирларга кўпни қўрган одамлар, тажрибали мутахассисларни тақлиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, тадбирлар давомида кўпроқ иштирокчиларга сўз бериш, саволлар бериш зарур. Бу аёлларнинг фикрлаш доираси кенгайишида муҳим ўрин тутди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Биланлиши 1-бетда.



РАНГ-БАРАНГ
ЯНГИЛИКЛАР

Коллеж
битирувчиси
ўз корхонаси
маҳсулотини
экспорт қилмоқчи

Бувайда туманида иш билан таъминланган коллеж битирувчилари томонидан кўргазма ташкил этилди.

— Бувайда агросаноат коллежининг 3-курсда ўқитган пайтим туманимиз прокурори Фарходжон Абдувалиев биз билан учрашув ўтказди, — дейди Одилбек Усмонов. — Ушанда у ўз ишини йўлга қўймоқчи бўлган ёшлар учун мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча имкониятлар яратилганини айтганди.

Касб-хунар коллежини тугатганимдан сўнг Миллий банкнинг Бувайда филиалидан 22 миллион сўм кредит олиб, сумка ишлаб чиқарадиган кичик цех очдим. Бунда менга туман прокуратураси, ЎзХДП туман кенгаши яқиндан ёрдам берди. Худди мен каби кўплаб тенгдошларим ҳам имтиёзли кредит олиб, ўз ишини йўлга қўйди. Келажакда фаолиятимизни кенгайтирмоқчимиз. Мутахассисларнинг фикрича, биз тайёрлаётган сумкаларни бемалол экспортга чиқарсак бўлар экан.

VII талабалар
медиа-
конференцияси
бўлиб ўтди

Медиа-конференциянинг мақсади Ўзбекистонда интернет-журналистика соҳасини ривожлантириш ва интернет-ни истиқболли оммавий ахборот воситаси сифатида тарғиб этишдан иборатдир.

Талабалар турли мавзуларга бағишланган шўъба йиғилишларида қизиқarli, илмий асосланган кўргазмали тақдиротлари билан иштирок этди, дейилади Миллий кутубхона сайтида берилган хабарда.

Тадбир сўнггида ғолиблар ташкилотчилар томонидан сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Ўзбектелеком»
интернет хизматлари
тарифларини
пасайтирди



«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 27 апрелдан эътиборан Ўзбекистон провайдерлари учун ташкил қилган интернет хизматлари тарифлари 1 Мбит/секундга 112,91 АҚШ долларига пасайтирилишини эълон қилди. Бу ҳақда «InfoCom.uz» хабар бермоқда.

Дарвоқе, жорий йилнинг ўзида тарифлар олти марта арзонлаштирилди: 13 январдан — 1 Мбит/секундга 156,24 доллар, 1 февралдан — 141,94 доллар, 17 февралдан — 136,34 доллар, 1 мартдан — 133,62 доллар, 2 мартдан — 115,26 доллар нарх қўйилган эди. 27 апрелдан эса ушбу тариф янада пасайтирилди.

7 МАЙ — АЛОҚАЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИ



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси жамоаси

халқимизни, алоқа,
ахборотлаштириш ва телекоммуникация
соҳаси ходимларини

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ҳамда

7 МАЙ — АЛОҚАЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИ

билан табриклайди!

Байрамона кайфият, янгидан-янги орзулар
сиз, азизларни асло тарк этмасин.



Хизматлар лицензияланган.

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»



унитар корхонаси жамоаси

халқимизни 9 МАЙ — Хотира

ва қадрлаш куни

билан қутлаб, эзгу тилаklarини

изҳор этади.

Ўтганларнинг руҳини шод

этмоқ, уларнинг хайрли

ишларини ёдга олмоқ,

атрофимизда яшаётган

инсонларни қадрламоқ

муқаддас бурчимиздир.



ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР
ДИҚҚАТИГА!

«Косон ёғ экстракция»

акциядорлик жамияти

КОРХОНАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
ПАХТА ШРОТИНИ ОЧИҚ БИРЖА САВ-
ДОСИ ОРҚАЛИ СОТИШИНИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ.

Манзил: Қашқадарё вилояти,
Косон тумани, Бухоро йўли қўчаси, 1-уй.
Маълумот учун телефонлар:
(0-375) 592-19-15, +99893-525-43-53,
email: kosonyog@mail.ru.

Маҳсулот сертификатланган.

«Toshkent universal auktion savdo» МЧЖ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2015 йил 14 ноябрь, 133-сонидан берилган эълондаги «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тошкент Қўғоз фабрикаси балансидаги «АБП-8С» русумли автомобилларга ёқилги куйиш контейнер блок пункти ушбу ташкилотнинг 2016 йил 28 апрелдаги 09-02 — 215-сонли хатига асосан ҳамда 2015 йил 13 декабрь 147-сонидан берилган эълондаги Республика олимпия захиралари коллежи балансидаги давлат рақами 01/752JAA бўлган «Дамас» ва давлат рақами 01/730 JAA бўлган «ИЖ-2715011» автотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2016 йил 27 апрелдаги 235-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol

XODJAYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559

14552

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:10

Topshirilgan vaqti — 23.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

172010743004

1 2 3 4 5